



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 32 61
2020 yil 30 iyun



ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ РАЙСИИНИ БҮЙРУГИ

**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига
кириш касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонларини
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талabalар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳакида”ги ҳамда 2018 йил 27 июлдаги 588-сон “Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалавриат таълим йўналишларига кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар оркали қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги қарорларига мувофик буюраман:

1. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига кириш касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонлари иловага мувофик тасдиклансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис



А.Нуридинов

Тошкент ш.,

2020 йил 24 06,
11-50-сон

Ўзбекистон Бадий академияси
раисининг 2020 йил 24 июнданги
И-50-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига
кириш касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

T/p	Имтиҳон топшириқлари ва баҳолаш объекти	Балл
I. Санъатшунослик (тасвирий ва амалий санъат) таълим йўналиши бўйича “Тасвирий ва амалий санъат тарихи” фанининг касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонлари (жами 189 балл)		
1.	Жаҳон ва ўзбек санъати ривожидаги асосий босқичларни қай даражада билишини аниқлаш	жами 63 балл
	Муайян давр меъморчилиги, тасвирий санъати тараққиётига тарихий, сиёсий ва ижтимоий жараёнларнинг таъсирини англаб етиши	12 балл
	Тасвирий санъатга оид тарихий саналарни аниқ белгилай олиши	12 балл
	Давр бадий услубига оид хусусиятларни англаб етиши ва муайян бадий услубни бошқа услуг билинг қиёсий тавсифлай олиши	12 балл
	Замонавий бадий жараён ҳақида маълумотга эга эканлиги	12 балл
	Мустақиллик даври миллий тасвирий ва амалий санъат равнаки ҳақида фикр билдира олиши	15 балл
2.	Европа тасвирий санъатининг йирик намоёндалари ижодини аниқлаш	жами 63 балл
	Европа тасвирий санъати йирик намоёндаларининг ижоди ва улар яшаган давр тарихини билиши	12 балл
	Рассом фаолиятига оид тарихий саналарни аниқ белгилаши ва ижодий босқичини тавсифлай олиши	12 балл
	Рассомнинг асарларини билиши ва бадий таҳдил қила олиш маҳорати	12 балл
	Картина сюжетини аниқлай олиши ва асар ғоясини таҳдил қила олиши	12 балл
	Асарларнинг бадийлик хусусиятларини англай олиши	15 балл
3.	Тасвирий ва амалий санъат усталари ижоди, ўзбек меъморий ёдгорликлари ҳақидаги билимини аниқлаш	жами 63 балл
	Рассомларнинг ўзига хос бадий услубини фарқлай олиши	12 балл

	Муайян рассом ижодини бошқа рассом билан қиёсий тавсифлай олиши	12 балл
	Бадиий асар композицияси ҳақида тушунчага эгалиги	12 балл
	Санъатшуносликка оид атамаларни қўллай олиши	12 балл
	Маълумотларни аник, равон баён этиши ва мантиқий фикрлай олиши	15 балл
II. Рангтасвир турлари бўйича таълим йўналишининг касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонлари		
	Композиция фани бўйича амалий иш	жами 189 балл
	Композициянинг форматга нисбатан тўғри жойлаштирилганлиги	10 балл
	Композициянинг мавзу жиҳатдан оригинал топилганлиги	10 балл
	Асарнинг композицион ғоявий мазмуни очиб берилганлиги	10 балл
	Композициянинг ғояси, мазмуни, моҳияти ва мутахассисликка хослиги	10 балл
	Бадиий ва ғоявий ифодада ранглардан тўғри фойдаланилганлиги	10 балл
	Асар қаҳрамонининг образи пластик ечим орқали топилганлиги	10 балл
	Тасвирнинг таълим йўналишига мослиги	10 балл
	Композиция маркази тўғри топилганлиги	10 балл
	Композицияда ёруғлик ва сояning ишлашдаги маҳорати	10 балл
	Композициянинг перспектив (фазовий) ҳолати	10 балл
	Композицияда ранглар билан ишлаш жараёнида ёруғлик ва сояларнинг бир-бирига мутаносиблиги	10 балл
	Композицияда тўқ ва оч рангларнинг тўғри топилганлик даражаси	10 балл
	Композицияда иссиқ ва совуқ рангларнинг уйғунлашув даражаси	10 балл
	Композицияда ранглар орқали атроф муҳит билан узвий боғланилганлиги	10 балл
	Композицияда рангларнинг ўзаро мутаносиблик ва яхлитлик даражаси	10 балл
	Композицияда рангларни перспективадан ўзгариш ҳолати	10 балл
	Композицияда ракурс ва фазовий ҳолатнинг ишланиш даражаси	10 балл
	Мавзунинг мазмуни, маъноси очиб берилганлиги ҳамда ранглар уйғунлиги	10 балл
	Ишлаш маҳорати ва унинг тугалланганлик даражаси	9 балл

III. Дизайн турлари бўйича таълим йўналишининг касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонлари	
Дизайн: компьютер графикаси ва бадиий фото таълим йўналиши сиртқи таълим шакли	
Композиция фани бўйича амалий иш	жами 189 балл
Компьютер дастурларида танланган мавзуга мос композицияда ишлаш	18,9 балл
Композицион характерини очиб бериш	18,9 балл
Фотосуратни “Adobe Photoshop” дастурида ишлаш	18,9 балл
Фото асарнинг композицион гоявий мазмуни	18,9 балл
Композициянинг мавзу жиҳатдан оригинал топилганлиги	18,9 балл
Композицияни перспективада тўғри топилганлиги	18,9 балл
Тасвирнинг дизайн мутахассислигига мослиги	18,9 балл
Композиция маркази тўғри топилганлиги	18,9 балл
Мавзунинг мазмуни, маъноси ҳамда ранглар уйғунлиги	18,9 балл
Ишлаш маҳорати ва унинг тугалланганлик даражаси	18,9 балл
Дизайн реклама ва амалий графика таълим йўналиши кундузги таълим шакли	
Композиция фани бўйича амалий иш	жами 189 балл
Берилган мавзу композициясини қофоз текислигига тўғри жойлаштирилганлиги	18,9 балл
Композициянинг мавзу жиҳатидан оригинал топилганлиги	18,9 балл
Композициянинг гояси, мазмуни, моҳияти ва мутахассисликка хослиги	18,9 балл
Асарнинг композицион гоявий мазмуни	18,9 балл
Бадиий ва гоявий ифодада ранглардан тўғри фойдаланилганлиги	18,9 балл
Композициянинг перспективада тўғри топилганлиги	18,9 балл
Тасвир дизайн мутахассислигига мослиги	18,9 балл
Композиция маркази тўғри топилганлиги	18,9 балл
Мавзунинг мазмуни, маъноси ҳамда ранглар уйғунлиги	18,9 балл
Ишлаш маҳорати ва унинг тугалланганлик даражаси	18,9 балл

**Дизайн: интеръерни лойиҳалаш;
Дизайн: саноат дизайні;
Профессионал таълим: дизайн (интеръерни лойиҳалаш)
йўналишлари кундузги таълим шакли**

Композиция фани бўйича амалий иш	жами 189 балл
Бажарилган ишнинг мавзуга мослиги	15,8 балл
Композиция мавзу жиҳатидан оригинал топилганлиги	18,9 балл
Композициянинг ғояси, мазмуни, моҳияти, мутахассисликка хослиги	22,0 балл
Бажарилган ишнинг бадиий образи шакллантирилганлиги	22,0 балл
Бажарилган ишда композицион қоидаларига амал қилинганлиги	18,9 балл
Композиция перспективада тўғри топилганлиги	18,9 балл
Бадиий ва ғоявий ифодада ранг ечимларининг тўғри топилганлиги	15,8 балл
Композиция маркази тўғри топилганлиги	15,8 балл
Композицияни тасвирлаш маҳорати (графикаси)	22,0 балл
Ишлаш маҳорати ва унинг тугалланиш даражаси	18,9 балл

**Дизайн: либос ва газламалар;
Профессионал таълим: дизайн (либос ва газламалар) таълим
йўналишлари кундузги ва сиртқи таълим шакли**

Композиция фани бўйича амалий иш	жами 189 балл
Бажарилган ишнинг мавзуга мослиги	21,0 балл
Композиция мавзу жиҳатидан оригинал топилганлиги	21,0 балл
Композициянинг ғояси, мазмуни, моҳияти, мутахассисликка хослиги	21,0 балл
Бажарилган ишнинг бадиий образи шакллантирилганлиги	21,0 балл
Бажарилган ишда композицион қоидаларга амал қилинганлиги	21,0 балл
Одам қомати тасвирида пропорцияга риоя қилинганлиги	21,0 балл
Бадиий ва ғоявий ифодада ранг ечимларининг тўғри топилганлиги	21,0 балл
Композицияни тасвирлаш маҳорати (графикаси)	21,0 балл
Ишлаш маҳорати ва унинг тугалланганлик даражаси	21,0 балл

IV. Графика турлари бўйича таълим йўналишининг касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонлари

Композиция фани бўйича амалий иш				жами 189 балл
Композиция топилганлиги	мавзу	жиҳатдан	оригинал	13 балл
Асарнинг композицион гоявий мазмуни				13 балл
Композициянинг яхлитлиги				13 балл
Бадиий ва гоявий ифодада ранглардан тўғри фойдаланилганлиги				12 балл
Композицион элементларнинг уйғунлиги				12 балл
Асар қаҳрамонларининг образлари пластик ечим орқали топилганлиги				12 балл
Рангларда тусларни ажратиш маҳорати				12 балл
Иссик ва совук ранглардан тўғри фойдаланилганлиги				12 балл
Пропорцияларни тўғри топилиши				12 балл
Катта ва кичик шаклларнинг тўғри жойлашганлиги				12 балл
Композициянинг ечими таълим йўналишига мослиги				11 балл
Композиция маркази тўғри топилганлиги				11 балл
Композицияда кетма-кетликнинг тўғри бажарилиши				11 балл
Композицияда мавзунинг мазмуни, маъноси, ҳамда ранглар уйғунлиги тўғри топилганлиги				11 балл
Композицияни ишлаш маҳорати				11 балл
Композициянинг тугалланганлик даражаси				11 балл

V. Амалий санъат турлари бўйича таълим йўналишининг касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонлари

Композиция фани бўйича амалий иш				жами 189 балл
Тузилган композицияни қоғозга тўғри жойлаштириш				9 балл
Композиция гояси				10 балл
Композиция мазмун ва моҳияти				10 балл
Композициянинг соҳага оидлиги				10 балл
Композициянинг қонуниятларидан фойдаланиш				10 балл
Асарнинг композицион ечими				10 балл



Композицияда безаклардан тўғри фойдаланганлиги	10 балл
Асарнинг композицион аҳамияти	10 балл
Бадий ва ғоявий ифодаси	10 балл
Ранглардан тўғри фойдаланиш	10 балл
Композицияни тўғри топиш	10 балл
Ранглардан фойдаланиш маҳорати	10 балл
Композиция маркази тўғри топилганлиги	10 балл
Композицияни мураккаблик даражаси	10 балл
Ранглар уйғунлиги	10 балл
Композицияни ишланиш маҳорати	10 балл
Композициядаги элементларнинг бир-бирига мутаносиблиги	10 балл
Композицияни пардозлаш	10 балл
Композицияни тугалланиш даражаси	10 балл

VI. Ҳайкалтарошлиқ (турлари бўйича) таълим йўналишининг касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонлари

Композиция фани бўйича амалий иш	жами 189 балл
Композициянинг мавзу жиҳатидан оригинал топилганлиги	10 балл
Композиция жойлашуви	10 балл
Композицияда пропорцияларни тўғри топилиши	10 балл
Композицияда ракурс ва фазовий ҳолатнинг ишланиш даражаси	10 балл
Характерни аниқлаш маҳорати	10 балл
Композицияда пластик ечими	10 балл
Композиция ғояси, мазмуни, моҳияти ва мутахассисликка хослиги	10 балл
Асарнинг композицион ғоявий мазмуни	10 балл
Композиция бадий ва ғоявий ифодали формада тўғри топилганлиги	10 балл
Асар қаҳрамони образини пластик ечим орқали топиш	10 балл
Тасвирнинг ҳайкалтарошлиқка мослиги	10 балл
Композиция кўринишини тўғри топиш	10 балл

Композициянинг перспектив ҳолати	10 балл
Композицияда ранглар орқали атроф мухит билан узвий боғланилганлиги	10 балл
Композицияда ҳолатнинг топилиш даражаси	10 балл
Мавзунинг мазмунни, маъноси ҳамда қомат уйғуналиги	10 балл
Лепкада шаклнинг топилиш даражаси	10 балл
Материал сезиш қобилияти	10 балл
Ишланиш маҳорати ва унинг тугалланиш даражаси	9 балл

Изоҳ: ҳар бир мезон бўйича қўйилган талаб тўлиқ бажарилганда унинг учун белгиланган энг юқори балл, қисман бажарилганда – энг юқори баллнинг teng ярми, умуман бажарилмагандаги – 0 (қийматсиз) балл берилади.

Мазкур мезонлар Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти билан келишилган.

Камолиддин Беҳзод
номидаги Миллий рассомлик
ва дизайн институти ректори



Н. Сайфуллаев

DAV
O'YX
O'TK
UBLI
O'ZBE